



XXASR

IJTIMOIY-SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXlasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2012 йил 29 март, пайшанба
13-(437)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



**«ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН
ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА
МАВЖУД ИМКОНияТЛАРДАН
ТЎЛА ФОЙДАЛАНИЛМАЯПТИ**



**ВИЛОЯТДАГИ 758 ТА БПТ
ПАРТИЯВИЙ КЎРСАТМАЛАРНИ
БАЖАРИШДА БОШҚА
ХУДУДЛАРГА ҲАМ ЎРНАК
БЎЛМОҚДА**




**«АГРОБАНК» ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
ТОМОНИДАН 582 ТА
ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТИГА 4,6 МЛРД.
СЎМ КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ**

Сиёсий таълим

ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

O'ZLiDeP ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ КЕНГАШИ
ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ «СИЁСИЙ
ТАЪЛИМ» МАРКАЗИ
БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ
КАРИМОВНИНГ
«МУСТАҚИЛИККА
ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА»
КИТОБИ АСОСИДА УЧ
БОСКИЧЛИ СИЁСИЙ
ЎҚУВЛАР ТАШКИЛ
ЭТМОҚДА

Нукус шаҳридаги «Айдин йўл»
корхонасидаги бошланғич ташки-
лотда ўтказилган семинарда мазкур
тарихий асардан ўрин олган далил
ва шарҳларнинг ўзига хос жиҳатла-
ри, унинг бугунги кундаги муваф-
фақиятларимиз моҳиятини англаш-
даги ўрни ва ижтимоий-сиёсий
аҳамияти ҳақида атрофлича фикр
юртилди.



**Қибрай туманидаги «ROYAL GOLD WATER» масъулияти чекланган жамияти 2009
йилдан бери фаолият юритмоқда. Бу ерда Италия технологияси асосида турли сифмли
елим идишларда ойига 600-700 минг дона экологик тоза сув ҳаёқланаяпти. Ичимли сув
80 метр чуқурликдан тортиб олинади ва замонавий ускуналарда филтрланади. Шу боис
маҳсулот сифати юқоридир. Корхона раҳбари Ш.Султонхўжаевнинг таъкидлашича,
маҳсулотга бўлган талаб ошиб бормоқда. Айни кунда бу ерда 29 нафар ёшлар доимий иш
билан таъминланган. Яқинда полиэтилен халталар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилиб, 10 га
яқин қўшимча иш ўрни яратилди. Келгусида корхонани кенайтириш, маҳсулот турларини
янада кўпайтириш кўзда тутилмоқда.**

2012 йил — «Мустақкам оила йили»

«Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА
САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, «КЕЛАЖАК ОВОЗИ»
ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИ, «АЁЛЛАР КЕНГАШИ»
РЕСПУБЛИКА ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ КАБИ БИР ҚАТОР
ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА «БИЗ — БИР ЖАМОА,
БИЗ — БИР ОИЛА» ИЖТИМОИЙ АКЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

«Мустақкам оила
йили» Давлат дастури
асосида ташкил этилган
мазкур тадбир ёшлар-
нинг интеллектуал ва
ижодий салоҳиятини
ошириш, иқтидор эга-
ларини аниқлаш ҳамда
қўллаб-қувватлаш,
олий ва ўрта махсус таъ-
лим муассасалари бити-
рувчиларини иш билан
таъминлаш каби эзгу
мақсадларга хизмат
қилади.

Президенти-
Ислом Каримов раҳ-
намолигида мамлака-
тимизда ёшларни ҳар

томонлама баркамол
қилиб тарбиялаш, улар-
нинг ҳуқуқ ва манфаатла-
рини ҳимоя қилиш, фаол
ва ташаббускор ўғил-қиз-
ларни муносиб рағбатлан-
тириш, кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорликка
жалб этиш масалаларига
катта эътибор қаратилаёт-
тир.

Акция доирасидаги
қизикarli, ёшларни янада
фаолликка, ҳамжиҳатликка
ундовчи тадбирларга 6 ми-
н-дан зиёд йилгит-қизлар жалб
этилди. Ёшлар ташаббусла-
ри форуми, «Таълим ва ка-
рьер» кўргазмаси, «Хаёт

учун» оила форум-марафо-
ни, «Соғлом ёшлар» ижти-
моий акцияси, «Келажақ
овози — 2012» республика
ёшлар кўрик-танловининг
тарғибот тадбири, «Дилем-
ма» мунозара клуби, «Ёш
веб-дастурчилар мактаби»
машғулотлари, ахборот ва
информацион технология-
лар, хорижий тилларни
ўрганишга доир семинар-
тренинглар шулар жумласи-
дандир. Шунингдек, тадбир
давомида ўтказилган хайрия
марафонидида 500 нафардан
ортиқ югувчи ва талаба-
ёшлар югуриш бўйича ўзаро
беллашдилар. Жиззах вило-
ят Маънавият ва маърифат
марказида ўтган бўш иш
ўринлари ярмаркасида юз-
дан ортиқ корхона, ташки-
лот ва муассаса уч юзга яқин
бўш иш ўринлари билан
қатнашди. Ярмаркада 132
ишга талабгор билан меҳнат
шартномаси тузилди.

Барчада катта таассурот
қолдирган акция «Ниҳол»
мукофоти совриндорлари,
«Келажақ овози» кўрик-тан-
лови ва «Янги авлод» бола-
лар ижодиёти фестивали
ғолиблари иштирокидаги
концерт билан якунланди.

(У.А.)

Ҳамкорлик

**ЯРМАРКАДА
5 МЛРД.
СЎМЛИК
КЕЛИШУВЛАР
ИМЗОЛАНДИ**

Самарқанд шаҳрида
ўтган навбатдаги
худудий саноат
ярмаркаси ва
кооперация биржасида
120 та саноат
корхоналари ўз
маҳсулотлари билан
иштирок этдилар.
Соҳа
мутасаддиларининг
фикрича, ушбу
кўргазманинг нуфузи
ҳамда самараси
йилдан-йилга ошиб
бормоқда. Агар 2011
йилда ярмаркада 120
та катта-кичик саноат
корхонаси, шу
жумладан, 25 та қўшма
корхона иштирок этган
бўлса, жорий йилда
150 дан зиёд йирик ва
кичик саноат
корхонаси, қўшма
корхона, хусусий
тадбиркор ўзларининг
1000 дан ортиқ турдаги
маҳсулотлари билан
қатнашдилар.
Кўргазмада илк бор
иштирок этган
«Пластикан
Самарқанд» МЧЖ 10
йилдан бери фаолият
юритади.

2»»

Партия лойиҳаси

Хавфсиз интернет

**2012 ЙИЛДА O'ZLiDeP ТОМОНИДАН ИЛГАРИ
СУРИЛАЁТГАН БИР ҚАТОР ЛОЙИҲАЛАР ҚАТОРИДА
«ХАВФСИЗ ИНТЕРНЕТ» ЛОЙИҲАСИ ҲАМ БЎЛИБ,
АЙНИ ПАЙТДА ПАРТИЯНИНГ АНА ШУ
ТАШАББУСИНИ ЎНДАН ЗИЁД ТАШКИЛОТЛАР
ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, УНИНГ ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ
ХОҲИШИНИ БИЛДИРДИЛАР**

O'zLiDeP Сиёсий
Кенгаши Ижроия
қўмитаси аъзолари-
нинг фикрича, қонун-
чилик ташаббусидан
тортиб қатор ташки-
лий масалаларни ҳам
қамраб олган мазкур
лойиҳа янги авлод ва-
киллари миллий ва
умуминсоний қадри-
ятлар руҳида тарбия-
лаш, уларда турли
қўринишдаги ахборот
хуружларига қарши
тура оладиган имму-
нитетни шаклланти-
ришга қаратилгани
билан ҳам ниҳоятда
муҳимдир.

Инсон ақл-закова-
тининг маҳсули
бўлган шундай каш-
фиётлар борки, улар
бир пайтнинг ўзида
ҳам эзгуликка, ҳам
ёвузликка хизмат
қилиши мумкин экан.

Масалан, Альфред Но-
бель динамитни ихтиро
этганида тоғ кончилари
меҳнатини энгиллашти-
ришни ният қилган
бўлса-да, бу янгилик бир
кун келиб инсониятга
мусибатлар келтира бош-
лади. Ядровий реакция-
ларнинг мислсиз куч-
қудратини кашф этган
олимлар ҳам ушбу ихти-
ро асосида яратилган
қуроллар инсониятга фа-
қат қулфат олиб келиши
ни тасаввур этмаган
бўлсалар керак.

Интернетнинг ил-
мий, маданий, иқтисо-
дий ва бошқа афзалли-
лари билан бирга унинг
зарарли томонлари хусу-
сида ҳам ана шундай
фикр билдириш мумкин.
Яъни, у кимлар учундир
ахборот манбаи бўлса,
айримларга, айниқса,
ёшлар онгига таъсир

кўрсатиш орқали ўз
ғояларининг қўлига ай-
лантириш воситасига ай-
ланмоқда.

Хўш, айна пайтда жа-
мийатимизда ёш авлодда
мафкуравий иммунитет-
ни шакллантириш,
ўсмирларни «оммавий
маданият»нинг салбий
таъсирларидан асраш бо-
расидаги ишларни етар-
ли даражада дейиш мум-
кинми? Бундай ҳолат-
ларга ёшлар қандай му-
носабат бўлмоқдалар?

«XXI ASR» газетаси
тахририятида ташкил
этилган навбатдаги дав-
ра суҳбатида иштирок
этган олий ўқув юртра-
ри талабалари ҳамда
O'zLiDeP «Ёшлар қано-
ти» фаолларига ана шун-
дай саволлар билан му-
рожаат қилдик.

4»»

Кўргазма

ҚАРШИ ШАҲРИГА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР КЕЛТИРИЛДИ

ҚАРШИ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР
КЎРГАЗМАСИГА ТАШРИФ БУЮРИБ, ШАҲАРНИ
ОБОДОНЛАШТИРИШ МАСАЛАСИГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛА БОШЛАНГАНИГА АМИН БЎЛДИК

Мутасаддиларнинг
фикрича, Қарши
шаҳар
ободонлаштириш
бошқармаси учун
лизинг асосида сотиб
олинган замонавий 10
та «TL 100 New
Holland» ва 10 та
«TTZ 80710» русумли
техникалар худуддаги
чиқиндиларни олиб
чиқиб кетишни
осонлаштиришга
хизмат қилади. 40 та
янги тиркама ҳамда
чиқиндиларни
юклашга



мўлжалланган 1 та махсус техника ҳам соҳа ходимлари ишини осонлаштирадиган, албатта. Мутахассислар йил охирига қадар яна 20 дан ортиқ ҳар хил турдаги техник воситалар олиб келинишини таъкидламоқдалар.
Замонавий техникалар кўргазмасида Қашқадарё вилояти ҳокими Т.Жўраев сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янада жадаллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларда кенг қўламли ободонлаштириш ишларини изчил амалга ошириш қашқадарёлик ҳар бир фуқаро зиммасига алоҳида масъулият юклаши лозимлигини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам бутун нафақат Қарши шаҳрида, балки вилоятнинг барча туманларида ҳам ободонлаштириш, тозалик ва саранжом-сарингаликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Воҳани янада кўркам ва обод масканга айлантириш борасидаги долзарб вазифаларни эса шубҳасиз замонавий техник воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

БУГУНГИ СОНДА:

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

**АГАР 2012 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИНИ ТАҲЛИЛ
ҚИЛСАҚ, O'ZLiDeP ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ
УЮШМАСИ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ БИЛАН
ҲАМКОРЛИКДА ФЕРМЕРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ,
ХУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШГА
ҚАРАТИЛГАН БИРОРТА ҲАМ ЎҚУВ ТАШКИЛ
ЭТИЛМАГАНИНИ КЎРАМИЗ.**

6»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2012 ЙИЛ 27 МАРТДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА
ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,
справка ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқа мажбурий тўловлар учун
хорижий валюталарнинг сўра иккидан қўйидаги қийматини белгиледи:

1 Австралия доллари ▼ 1928,67
1 Англия фунт стерлинги ▲ 2925,27
1 Дания кронаси ▲ 329,06
1 БAA дирҳами ▲ 501,50

1 АКШ доллари ▲ 1843,50
1 Миср фунти ▲ 305,62
1 Исландия кронаси ▲ 14,62
1 Канада доллари ▼ 1848,49

1 Хитой юани ▲ 292,46
1 Малайзия ринггити ▼ 600,78
1 Поляна злотийси ▲ 589,64
1 СДР ▲ 2842,36

1 Туркия лираси ▼ 1025,02
1 Швейцария франки ▲ 2030,06
1 ЕВРО ▲ 2439,55
1 Жанубий Корея вонги ▼ 16,20

1 Япония иенаси ▲ 223,08
1 Россия рубли ▲ 62,70
1 Украина гривнаси ▲ 230,85

*) Валюта қийматини белгилаш чегараси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
мажбурий қаломатлари ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ислохот

Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

ПОЙТАХТИМИЗДА 28 МАРТ КУНИ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎМИТАНИНГ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА КИЧИК ҚЎМИТАСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА муҳбири

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, геология, кимё саноати, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қурилиш, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, қўмита ҳамраиси Элёр Ганиев Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларида, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада ҳам

изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йил апрель ойида Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 65 компанияси-

нинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Музокарада хитойлик меҳмонлар мамлакатимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган қулай имкониятлар билан танишди.

— Бугунги анжуман давлатларимиз раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш юзасидан музокаралар олиб бориш учун яна бир яхши имконият бўлди, — деди Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари, қўмита ҳамраиси Цзян Яопин. — Хитой Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди. Ўзаро дўстона алоқалар мамлакатларимиз ҳамкорлигини изчил равишда топтиришда муҳим омил бўлиб хиз-

мат қилаётир. Хитой Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида етакчи ўринда туради, шунингдек, мамлакатининг йирик сармоявий ҳамкорларидандир. Сўнгги йилларда ҳамкорлик қамрови янада кенгаймоқда. Жумладан, нефть-газ ва геология-қидирув йўналишларидаги алоқалар фаоллашмоқда. Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттиришдан манфаатдоримиз ва бу алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқиш ниятида.

Музокарада икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоявий, молиявий ва техникавий ҳамкорликка, тадбиркорлик субъектларининг беvosита алоқаларини рағбатлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Сиёсий таълим

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

— Юртбошимиз асарини жойларда чуқур ўқиб-ўрганиш бўйича партия фаоллари ташаббускорлик кўрсатишлари лозим, — деди ўз сўзида О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ижроия қўмитаси ҳузуридаги «Сиёсий таълим» маркази раҳбари З.Баекеев. — Зеро, партиямиз илгари сураётган либерал-демократик гоялар Президентимиз асарларининг мазмун-моҳияти билан тўла ҳамохангдир. Ўйлайманки, бугунги даврда суҳбати Қорақалпоғистондаги бошқа БПТлар фаолиятини йўлга қўйишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда ушбу асар яқин ўтмишда содир бўлган тарихий жараёнларни сохталаштириб, одамларни, айтилган, у замонларни кўрмаган-билмаган ёшларни алдаб, тўғри йўлдан чалғитишга уринаётган, ўз қабиҳ ниятлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кучларга қарши курашда ҳам муҳим манба, маънавий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

— Асарни мутлоа қилиб, халқимиз қалбиди асрий орзу — истиқлол гоёси улкан жасорат билан илгари суририлиб, Юртбошимизнинг яққола ягона тўғри йўлини топа олгани, аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кечаю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб боришга яна бир бор амин бўласиз, — деди О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ижроия қўми-



таси бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш гуруҳи раҳбари А.Уббониязов. — Айниқса, китобда ёритилган, Фарғона ва Наманганда юз берган воқеалар ёш авлод онгини юксалтириш, уларда ўша даврга нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқув-семинар иштирокчилари асарнинг «Республика қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар» номли бобига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистоннинг пахта мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ машаққатли даври, ер ва иқлим шароитига зид равишда олиб борилган аграр сиёсат республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг камайишига, аҳолини ушбу маҳсулотлар билан таъминлашдаги муаммоларнинг кескинлашуви олиб келганини таъкидладилар. Бу, айниқса, Орол фожеасидек глобал муаммони келтириб чиқариб, маҳаллий аҳолининг тенофондида салбий таъсир кўрсатди.

Худуддаги фауна ва флорага жиддий зиён етиб, минглаб километр майонларда сувсиз чўллар пайдо бўлди. Бу эса мамлакат қишлоқ ҳўжалигига салбий таъсир кўрсатиб, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қўллаб қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Йиғилишда, шунингдек, О'зЛиДеР мақсадларидан келиб чиқиб, фермер ҳўжаликларида қўмак бериш, уларни ўйлантираётган ҳаётини муаммоларни ўрганиб, юқори партия ташкилотларига етказиш лозимлиги ҳам таъкидланди. Бунда бошланғич ташкилотлар раҳбарларининг сиёсий-ҳўқуқий билимлари юксак, ўзлари фаол ва ташаббускор бўлишлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки БПТлар партиянинг жойлардаги асосий таянчи ҳисобланади.

Семинарда Юртбошимиз асарини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш бўйича бир қанча тақдирлар ўртага ташланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Масъулият

Иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ

ИСЛОХОТЛАРНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЗИММАСИГА ЯНГИДАН-ЯНГИ ТАЛАБЛАР ҚЎЯЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС. ЧУНКИ АЙНАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШИ ЛОЗИМЛИгини даврнинг ўзи тақозо этмоқда



Омонулла ИСЛОМОВ,
О'зЛиДеР Тошкент вилояти
кенгаши раиси

Тошкент вилоятидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини таҳлил этсак, айни кунда БПТлар сони 584 тани, партия аъзолари сони эса 11 минг 310 нафарни ташкил этаётганини кўра-миз. Бошқача айтганда, 2008 йилга нисбатан бошланғич ташкилотлар сони 56 тага, партия аъзолари сони эса 2074 нафарга кўпайган.

О'зЛиДеР вилоят кенгаши қошидаги Сиёсий таълим маркази томонидан БПТ раислари ва депутатлик гуруҳлари аъзолари фаолиятини ошириш мақсадида туркум семинарлар ташкил этилмоқда. Бироқ улар ҳали куттилган натижаларни бераётгани, дейиш қийин. Чунки қўйи бугунларнинг ўзида кескин ўзгаришлар кўзга ташланмапти. Бу ҳолатни халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Партиянинг таянч нуқта-си бўлган бошланғич ташкилотлар иш унуми, натижаси фаолиятимиз мезонига айланиши лозим. Шу боис ҳам уларнинг яқдиллигисиз куттилган натижаларга эришиб бўлмайди. Ана шулардан келиб чиқиб, асосий эътиборни жойларда ижтимоий масалаларни ҳал этишга қўмаклашиш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратмоқдамиз. Масалан, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ш.Умрзоқов ташаббуси билан 2011 йилда худудларда касб-ҳўнар коллежлари биттирувчилари учун иш жойи белгилаш, ўқувчилар амалиётини иш жойларида ўташни ташкил этиш, бунинг учун коллеж, иш бевуви ташкилот ва ўқувчилар ўртасида уч томонлама шартнома тузиш тўғрисидаги масала халқ депутатлари Оҳангарон туман кенгаши сессиясида қўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи вилоятдаги бир қатор ташкилот ва корхона раҳбарларининг ҳисоботлари-

ни ҳам мунтазам эшитиб бормоқда. Жумладан, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг ўтган йилги иш режасига мувофиқ, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи М.Мухторовнинг “Вилоятда чорвачилик, галлачилик, сабзавотчилик соҳаларида илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги, вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Азаматовнинг ҳисоботлари депутатлик гуруҳида муҳокама қилиниб, ушбу масалани вилоят кенгаши сессиясига киритишга қарор қилинди.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, айрим туман ва шаҳар кенгашларининг бу йўналишдаги фаолияти қониқарли эмаслигини таъкидлаш жоиз. Аччиқ бўлса-да, халқ депутатлари вилоят, туман кенгашлари депутатлик гуруҳлари аъзолари орасида нотиқатин юртанлар борлигини ҳам айтиш керак.

Таъкидлаш жоизки, “Аёллар қаноти” ташаббуси билан маҳаллалар, бошланғич партия ташкилотларида 250 дан ортиқ даврда суҳбатлари, учрашув ва семинар-тренинглари ташкил этилиб, уларда 32 мингта яқин хотин-қизлар иштирок этдилар. Агар О'зЛиДеР Тошкент вилоятидаги 11 минг 267 нафар партия аъзосининг 4 минг 484 нафарини хотин-қизлар ташкил этаётганини инобатга олсак, бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтириш лозимлигини англаб етамиз. Шу ўринда аксарият туман ва шаҳар кенгашлари, жумладан, Бўстонлиқ, Пискент, Оққўрғон туманлари ва Бекобод шаҳар кенгашлари фаолиятида тарғибот-ташвиқот ишлари етарлича олиб борилмаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Шу боис вилоят кенгаши билан бошлаб қўйи бугунларгача мазкур вазибаларга бугунги кун талабларини чуқур англайдиган, партияга аъзоликни масъулият, деб биладиган кадрларни танлашга ҳаракат қилаёلمиз.

Ҳамкорлик

ЯРМАРКАДА 5 МЛРД. СЎМЛИК КЕЛИШУВЛАР ИМЗОЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

— Ўтган давр мобайнида фақат макарон ишлаб чиқариш билан шуғулланган эдик. Эндиликда 20 турдаги ширинликлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари, эронлик тадбиркор Муҳаммад Каҳх. — Ширинликлар асосан буюртма асосида ишлаб чиқарилмоқда. Янги линияни ишга тушириш учун 200 млн. АҚШ

доллари миқдорда ускуналар ўрнатдик. Тадбирнинг яна бир иштирокчиси — Ургут туманидаги «Bekmez Xali» қўшма корхонаси ўтган йили кўргазмада 100 млн. сўмлик, пойтахтда эса 300 млн. сўмлик ҳамкорлик шартномасини имзолаган.

— Бугунги ярмарканинг биринчи кунидек 500 млн. сўмлик келишувга эришдик, — дейди корхона директори Абдулоси Жамолов. — Талаб қилинган миқдордаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун имкониятларимиз етарли. Биргина 2010 йилда 3 млрд. 388 млн. сўмлик, ўтган йилда эса 5 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда маҳсулот тайёрлаб, харидорларга етказиб бердик. Айни пайтда жамоамизда 100 га яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатапти.

— Икки кун давомида қўллаб ҳамкорлар билан танишдик, — дейди сифатли пишлоқ маҳсулотлари билан харидорлар эътиборини қозонаётган «Умаров Сиддик савдо» хусусий корхонаси раҳбари Рустам Умаров. — Турли корхоналар билан 20 миллион сўмликдан ортиқ шартномалар туздик. Мутахассислар маълумотида кўра, икки кулик ярмарка давомида имзоланган ҳамкорлик шартномалари ҳамда келишув битимлари миқдори 5 млрд. сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Бу эса кўргазмада қатнашган корхоналарда ишлаб чиқариш суръатлари ўсиб, янги иш ўринлари ортиб бораётганининг амалий исботидир.

Муҳаббат РАВШАНОВА тайёрлади.

Ишлаб чиқариш

90 ФОИЗН ЎЗИМИЗНИКИ

XX АСРНИНГ СЎНГГИ ЎН ЙИЛЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН МЕБЕЛЬ БОЗОРИНИНГ 90 ФОИЗИНИ ИМПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТГАН БЎЛСА, АЙНИ ПАЙТДА ХОРИЖДАН БОР-ЙЎҒИ 10 ФОИЗ МЕБЕЛЬ КЕЛТИРИЛАЯПТИ

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»



«Файз» холдинг компанияси ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ўтказилган анжуманда мамлакатимизда кейинги йилларда мебель саноати ҳудуд-сан, 2010 йилда маҳаллий корхоналар томонидан 2003 йилга нисбатан қарийб беш баробар кўп, яъни 160,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани, 2011 йилнинг 9 ойида эса юртимизда фаолият кўрсатувчи 1049 та корхона томонидан аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 11,8 фоиз ортиқ уй жиҳозлари тайёрлангани таъкидланди.

— Айни пайтда 20 дан ортиқ корхона бир-лаштирувчи компаниями аҳоли ва давлат муассасаларини сифатли мебель билан таъминлашдан ташқари, тармоқда фаолият кўрсата-

ётган кичик корхоналарга маҳаллий хом ашё етказиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди тадбирда компания бошқарувчи раиси Мукаррам Азимова. — Агар 2007 йили мебель ишлаб чиқариш учун зарур хом ашёнинг 68 фоизи хориждан келтирилган бўлса, 2011 йилдан бошлаб ёғоч елими, мебель устини қоплайдиган пленка ҳамда ёмшоқ ме-беллар учун зарур матолар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Натижада хом ашё улуғи 52,3 фоизга туширилди. 2020 йилга

қарийб ушбу рақамни 35 фоизга камайтириш лойиҳаси устида иш олиб бораёلمиз.

Анжуманда, шунингдек, мебельсозлик корхоналарини янги кадрлар билан таъминлаш масаласини ҳал этишга ҳам жиддий киришилгани, шу мақсадда 17 та касб-ҳўнар коллеж-да махсус йўналишлар очилгани, энг муҳими, ана шу коллеж ва лицейларни битираётган ўғил-қизларни компания таркибидagi корхоналарга ишга жойлаштириш қўзда тутилган-гани алоҳида таъкидланди.

СОХАДА КОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ, аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама муҳофаза этишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки сиёсий партиялар ҳам бирдек масъул эканликларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу жараёнда улар қонунлар ва давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан доимий назорат олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Назорат-таҳлил якунларидан хулоса чиқарилиши керак

«ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУТАСАДДИ ИДОРЛАР МАВЖУД ИМКОНИАТ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНМАЯПТИЛАР

Озод РАЖАБОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган давлат кадастрлари юритилишига оид қонунчиликда белгиланган нормаларнинг ижроси ҳақидаги назорат-таҳлил фаолияти якунларига бағишланган мажлисда ана шундай хулосага келинди.

Тадбирда таъкидланганидек, бундан 12 йил аввал қабул қилинган қонуннинг асосий мақсади давлат кадастрларини юритиш, кадастрга доир ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланиш муносабатларини тартибга солишдан иборат бўлиб, унинг 5-моддасида давлат кадастрлари ягона тизими 21 та йўналишда фаолият юритиши аниқ белгиланган бўлиб келган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси («Ергеодезкадастр») давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади. Шунингдек, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Маданият ва спорт ишлари, Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Табиати муҳофаза қилиш, «Давархитеккуриш», Геология ва минералогия давлат қўмиталари, «Давсувхўжаликназорат» инспекцияси, «Ўзавтотўл», «Ўзбекнефтегаз», «Ўзбекистон темир йўллари» ҳам давлат кадастрларининг тегишли йўналишлари бўйича масъул идоралардир.

Қон тартибдаги масала юзасидан сўзга чиққан О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фахриддин Комилловнинг айтишича, парламент ишчи гуруҳи жами 18 та вазирлик, давлат қўмиталари ва мутасадди идоралар қисмида назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширган. Маълум бўлишича, бу борада масъул муассасалар томонидан қонун талабларини бажариш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилиши баробарида қатор камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, қонунда ҳудудларда давлат кадастрини тузиш ва уни юритиш аниқ белгиланган бўлса-да, ҳанузгача ушбу кадастр низоми қабул қилинма-



ган. Бу назорат-таҳлил ўтказилганга қадар ҳудудлар бўйича давлат кадастри юритилмаганини аниқлади.

Тўғри, кейинги йилларда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан масъул идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кадастрларни юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни зарур картографик ҳужжатлар билан таъминлаш, давлат кадастрлари юритилишига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлаш, мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича муайян натижаларга эришилди.

— Ҳозирги кунда кадастр объектларини суратга олиш, кадастр харитасини тузиш, инвентаризация қилиш ва паспортлаштириш, сифат ва сон жиҳатдан баҳолаш, кадастр объектлари чегараларини ўлчашда илгор техника ва технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Ушбу тизимга кирувчи ташкилотларни замонавий асбоб-ускуна билан таъминлаш бора-бора ҳам қатор ишлар олиб боришмоқда, — деди «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Тўлқин Абдуллаев. — Кадастр объектларининг географик жойлашуви, ҳуқуқий ҳақоми, тавсифи, баҳоси ҳақидаги маълумотларни тезкор тарзда янгиланган бориш, кадастр объектларидан фойда-

ланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини яхшилаш, улар фаолиятига хорижий давлатлар тажрибаларини кенг татбиқ этиш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

— Бугунги йўналишда «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмлар атрофлича муҳофаза қилинаётгани бежиз эмас, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Абдулоҳлиқ Жабборов. — Чунки ушбу қонуннинг аксарият моддалари ҳавола нормалар бўлиб, унинг ижроси қонуности ҳужжатлари — низом ва йўриқномалар орқали таъминланиши назарда тутилган. Бу эса мазкур қонунни давр талаблари асосида қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳам қўмита қарори билан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш юзасидан тегишли тақлифлар тайёрлаш ва давлат кадастрларини юритиш фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини янада такомиллаштириш вазифаси юклатилди.

Очиқ мулоқот ва қизгин баҳс-мунозара тарзида ўтган мажлисда мутасадди идоралар томонидан давлат кадастрларини юритишда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, давлат кадастрининг табиий яйловлар ва пичанзор-

лардаги қисмини юритиш керак бўлган Геоботаника бўлими ҳанузгача ташкил этилмаган. Бундан ташқари, «Давсувхўжаликназорат» инспекциясига гидротехник иншоотлар кадастрини юритиш вазифаси юклатилган бўлса-да, ушбу ташкилот техник хавфсизлик кадастрини юритиш билан чекланган, ҳоло.

Шу кунгача давлат сув кадастрини юритиш бўйича махсус бўлим ташкил этилмагани учун бу вазифа Сув ҳўжалиги бош бошқармаси томонидан номинатгина бажарилмоқда. Чунки ушбу бошқарма кадастр юритиш учун етарли техник база ва географик ахборот тизимини яратиш учун ArcGIS махсус дастурига эга эмас.

2011 йилда ҳайвонот дунёси давлат кадастри бўйича «Қизил китоб»га киритилган судралиб юрвчи ҳайвонлар, сўт эмизувчиларнинг турлари ва қушлар ҳақида жамланма ҳисобот тайёрланган бўлса-да, давлат кадастри юритилмаган. Бундан ташқари, Ўрмон ҳўжалиги бош бошқармасига юклатилган давлат кадастрини юритиш ишлари ҳам қўнқарсиз аҳволда.

Мажлисда муҳокама қилинган ана шундай долзарб масалалар юзасидан қўмита қарори қабул қилиниб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича мутасадди идораларга аниқ топшириқ ва тавсиялар берилди.

Партиялараро баҳс

Сайловчи ишончини ким суиистеъмол қилаяпти?

МАЪЛУМКИ, БОШ ҚОМУСИМИЗДА ИЖТИМОЙ ҲАЁТ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР, МАФКУРАЛАР ВА ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ АСОСИДА РИВОЖЛАНИШИ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН. УНГА ҚЎРА, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТУРЛИ ТАБАҚА ВА ГУРУҲЛАРНИНГ СИЁСИЙ ИРОДАСИНИ ИФОДАЛАЙДИЛАР ҲАМДА ЎЗЛАРИНИНГ ДЕМОКРАТИК ЙЎЛ БИЛАН САЙЛАБ ҚЎЙИЛГАН ВАКИЛЛАРИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ИШТИРОК ЭТАДИЛАР. ШУ БОИС БУТҒУН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИМКОНИАТ ВА ИМТИЁЗЛАР УЛАРИНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИНИ ТАЪМИНЛАБ, ЖАМИЯТНИНГ У ЁКИ БУ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. БУ ЭСА ЖАМИЯТДА КЎППАРТИЯВИЙЛИК ВА ПЛЮРАЛИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ИЗЧИЛ ТАТБИҚ ЭТИШ ҲАМДА ПАРТИЯЛАРАРО РАҚОБАТ МУҲИТИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАБ БЕРАЯПТИ

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Хусусан, О'зЛиДеР

юртимиздаги кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари ва фермерлик ҳаракати вакиллари манфаатини ҳимоя қилаётган бўлса, ЎзХДП дастурида партия ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам кишилари манфаатларини ифода этиши белгиланган бўлиб келган. «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурига қўра, унинг фаолияти ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти негизда ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуриш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнига аҳолининг барча қатламларининг жалб этиш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари орқали давлат бошқарувида иштирок этиш, фуқароларнинг сиёсий оғи ва маданиятини юксалтиришга қаратилган. «Миллий тикланиш» демократик партияси дастурида эса асосий мақсад миллий анъаналар ва қадриятларни сақлашдан иборат экани қайд этилган.

Кўриниб турибдики, ҳар бир сиёсий партиянинг мақсад ва интилишлари юртимиз раънақида йўналтирилган. Аммо шундай соҳа ва тизимлар борки, бу муайян сиёсий қучлардан ана шу соҳага алоҳида масъулият билан ёндашишни талаб этади. Масалан, ижтимоий соҳани олиб кўрайлик. Маълумки, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи социал соҳага йўналтирилиб, аҳолининг ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина пенсия ва нафақалар учун 2011 йили давлат бюджетидан 1 триллион 548,4 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 1 трлн. 899 млрд. сўм миқдорда белгиланди. Лекин айрим ҳолатларда бу маблағларнинг мақсади сарфланишида хатоликларга ҳам йўл қўйилаётган. Хусусан, ўтган йили Тошкент шаҳрида 135 та ҳолатда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, 16-18 ёшгача фарзанди бўлган оилалар ҳамда 2 ёшгача бўлган оналарга тайинланган нафақалар нотўғри берилгани аниқланган. Натижада 63,5 млн. сўм миқдордаги маблағ ўзлаштириб юборилган.

Мазкур соҳада қонунийликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқ ва эркин-

ликларини ҳар томонлама муҳофаза этишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки сиёсий партиялар ҳам бирдек масъул эканликларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу жараёнда улар қонунлар ва давлат дастурларининг жойлардаги ижроси юзасидан

нидан берилган маълумотга қўра, ушбу ҳудудда 2011 йил давомида 3979 та янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 1462 тасига айнан коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилган. Аммо айрим битирувчиларга нисбатан қалбаки ҳужжатлар тайёрлангани бу масалада мутасад-

2011 йилда БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА БИРОР МАРТА ҲАМ МУҲОКАМА ҚИЛИНМАГАН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ ҲАДДАН ТАШҚАРИ «ХОТИРЖАМ»ЛИКЛАРИНИ ҲАМ КЎРСАТАЯПТИ. БИЗНИНГЧА, ТУМАН ҲОКИМИ, ЎЗХДП АЪЗОСИ А.НАРЗИЕВ ЕТАКЧИЛИГИДАГИ ДЕПУТАТЛАР КОРПУСИ БУНДАЙ ҲОЛАТДАН ТЕГИШЛИ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРСА, МАҚСАДГА МУВОФИҚ БЎЛАРДИ.

доимий назорат олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Бироқ таҳлилчилар айни масалада ЎзХДП зиммасидаги масъулият юки оғирроқ эканини таъкидламоқдалар.

Чунки ЎзХДП дастури ва Сайловолди платформасида партия фаолияти жамият ва давлатнинг алоҳида қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, ифодалаш ва ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги таъкидланган.

Партиянинг аҳолини, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш учун масъулиятни ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва қонун билан мустаҳкамлашни ўзининг асосий мақсадлари сифатида тилга олгани ҳам юқоридаги ҳолат билан чамбарчас боғлиқдир. Партия наشري бу борада амалга оширилган ишларга тўхталиб, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ЎзХДП барча ҳудудларда иқтисодий форумлар ўтказгани, партия кўмагида коллеж битирувчилари, доимий даромадга эга бўлмаган кишилар ўз ишини очишгани ва улар бандлиги таъминланганига алоҳида эътибор қаратмоқда. Аслида эса оддий сайловчи булар тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар натижаси эканини яхши англаб турибди. Лекин шунга қарамай, ХДПнинг жойлардаги фаоллари бундай натижаларни «ўзлаштириш»да давом этмоқдалар. Камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганда эса ўзгаларни айбдор санаб йўлга осонгина ўтилмоқда.

Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида янги иш ўринлари яратиш борасидаги аҳолини ўргатганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик. Туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан берилган маълумотга қўра, ушбу ҳудудда 2011 йил давомида 3979 та янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 1462 тасига айнан коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилган. Аммо айрим битирувчиларга нисбатан қалбаки ҳужжатлар тайёрлангани бу масалада мутасад-

дилар томонидан лоқайдликка йўл қўйилганини кўрсатмоқда. Масалан, «Истиқдол» касб-ҳунар коллежининг тикувчилик ва трикотаж ишлаб чиқариш технологияси йўналишини битирган 4 нафар киз «Саидабегим келажиги» хусусий корхонасига ишга жойлашгани қайд этилган. Аммо корхона раҳбари М.Хидирова айни кунда юқорида номлари тилга олинган талабалар корхонада ишламаётганини айтиди.

Ёшлар — битирувчилар манфаатини ҳимоя қилаяпти, дея бонг ураётган ЎзХДП вакиллари бундай ҳолатдан бехабарликлар кундай равшан, албатта. Чунки бу масалаларга партия вакиллари, айниқса, депутатлар томонидан умуман эътибор қаратилмаган. Аксинча, Навбаҳорда барча ишлар беш бўлганида эди, партия наشري аллақачон ЎзХДПнинг 9 нафар депутати фаолияти бу, дея бонг урган бўларди.

Шу ўринда 2011 йилда битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи халқ депутатлари туман кенгаши сессиясида бирор марта ҳам муҳокама қилинмагани маҳаллий кенгаш депутатларининг ҳалдан ташқари «хотиржам»ликларини ҳам кўрсатапти. Бизнингча, туман ҳокими, ЎзХДП аъзоси А.Нарзиев етакчилигидаги депутатлар корпуси бундай ҳолатдан тегишли хулосалар чиқарса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўғри, бундай масалалар нафақат ЎзХДП, балки бошқа сиёсий партияларнинг ҳам мазкур масалага алоҳида масъулият билан ёндашишларини талаб этади. Шундагина муваффақиятларимизга соя ташлаётган айрим муаммолар бартараф этилиб, юқоридагилек ҳолатларга чек қўйилади.

Акс ҳолда сайловчиларнинг депутатлар ва улар номзодини кўрсатган сиёсий партияларга нисбатан ишончи сўниши мумкин.

«Аёллар қаноти»

Сафдошларимиз сони 20 нафарга ортди

НАВРЎЗ БАЙРАМИ КУНЛАРИ О'ЗЛИДЕР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН 20 НАФАР ХОТИН-ҚИЗГА ПАРТИЯ АЪЗОЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

— Мана, беш йилдирки, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қиламан, — дейди «Абдурафиқ Қахрамон» фермер ҳўжалиги раҳбари Гулнора Акбаева. — Билдирилган ишончни амалий фаолиятим, партия дастурий гоёларини рўёбга чиқариш соҳасидаги иштироким билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Бугунги кунда пойтахт вилоятида 11310 нафар О'зЛиДеР аъзоси бўлиб, шундан 4500 нафардан ортинини хотин-қиз ташкил этмоқда. Уларнинг 1469 на-

фари тадбиркорлик, 550 нафари эса фермерлик билан шуғулланади. Жойларда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, улар дунёқарашини кенгайтиришга катта эътибор қаратилаётганлиги, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

«Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган тадбир иштирокчилари хотин-қизларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганлигини таъкидлаб, ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларга ажратилаётган кредитлар миқдорини янада кўпайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.



Партия лойиҳаси

Хавфсиз интернет

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Зопир КИЛИЕВ,
O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Икромия
қўмитаси Ёшлар билан ишлаш
бўлими етакчи консультанти.

— Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар бир оилга компьютер ва интернет тармоғи кириб бораётганини эътиборга олсак, янгича фикрлайдиган, истиқболли демократик қадриятлар асосида белгилайдиган, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти олдидagi нуфузини мустаҳкамлашда янада фаол иштирок этаётган ёш авлоднинг шакллантириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш баробарида ёшларни ушбу ахборот воситаси орқали кириб келаётган хуружлардан ҳимоя қилиш, турли зарарли мафкуравий таҳдидлардан асраш масаласи барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, O'zLiDeP учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Мазкур лойиҳанинг асосий мақсади ҳам ёшларда ҳар хил кўринишдаги ахборот хуружларига қарши тура оладиган иммунитетни шакллантиришдан иборатдир.

Отамурод ХУНАРОВ,
Тошкент Давлат
шарқшунослик институти
1-босқич талабаси.


— Лойиҳадан кўзда тутилган мақсад яхши, албатта. Унга эришиш учун эса биринчи навбатда миллий веб-сайтларимизнинг янгилик ва ахборот тарқатишдаги тезкорлиги, аниқлигини таъминлашимиз зарур. Чунки ҳозирча ёшларни қизиқтирувчи миллий интернет ресурсларимиз имкониятлари айрим хорижий сайтларникидан бирмунча паст эканлиги кўзга ташланмоқда. Хорижлик тенгдошларимиздан ҳеч бир соҳада кам бўлмаслигимиз учун эса етарлича ахборот ва маълумотга эга бўлишимиз керак.

Ботир ЭРГАСЕВ,
Тошкент автомобиль ва
йўллар институти 3-босқич
талабаси.

— Юқоридаги фикрни давом эттириб шуни таъкидламоқчиманки, интернетдаги айрим мафкуравий характерга эга сайтларга кириш имконини бермайдиган ва зарарли контентни филтрлайдиган, хусусан, Cyberagents сингари дастурлардан кенроқ фойдаланиш лозим, деб ҳисоблайман. Танганинг икки томони бўлганда, интернетнинг фойдаси билан бирга зарарли томонлари ҳам борлигини энди сезаётганимиз йўқ. Статистик маълумотларга қараганда, интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишнинг осон йўллари ўргатувчи, беҳаё ва шахвоний мазмундаги веб-сайтлар сони тобора кўпайиб бораётган. Бундай шароитда эса ёшларнинг интернетдан фойдаланишларини тартибга солиш масаласи ҳақиқатан ҳам ўта муҳим вазифага айланиши керак.

Гафур ХОСИЛМУРДОВ,
Тошкент автомобиль ва
йўллар институтининг
«Камолот» ЁИХ бошланғич
ташкилоти етакчиси.

— Ёшларда интернетдан тўғри ва унумли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳар қандай шароитда ҳам ўз самарасини беришига аминман. Бунинг учун улар миллий қадриятларимиз, ўзигимизни белгилловчи жиҳатларни яхши билишлари зарур. Ўзбекистон кучли фуқаролик жамияти ва эркин де-



мократик давлат кураётган экан, ахборот соҳаси изчил ислохотларни тақозо этаверади. O'zLiDeP илгари сураётган «Интернетнинг ёшларга салбий таъсирини олдини олиш» лойиҳаси концепциясининг ўзига ҳам соҳани янада ривожлантириш, ундан фойдаланувчиларда ахборот оқимини соғлом таҳлил қила олиш, бошқача айтганда, оқ-қора ни танишни ўргатишдек эзгу мақсад мумкин. Бизнинг вазифамиз эса мазкур лойиҳанинг мазмун-моҳиятини тенгдошларимизга атрафлича тушунтиришдир.

Дилдора ТОҲИБОВА,
Тошкент Давлат
шарқшунослик институти
3-босқич талабаси.

— Бугунги ҳаётимизни интернетсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Аммо у фақат йигит-қизлар билан танишув, вақт ўтказиш манбаи эмас, балки тезкор ахборот олиш воситаси эканлиги кўпчилик тенгдошларим аллақачон тушуниб етганлар. Лекин интернет-кафе-ларни асосан юқори синф ўқувчилари, колледж ва лицей талабалари банд этаётганидан тегишли хулосалар чиқаришимиз керак. Шу боис O'zLiDeP лойиҳасига мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчиларини ҳам жалб қилиш лозим, деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг компьютерда нималар билан шуғулланаётганини, интернетдан қандай мақсадларда фойдаланаётганини назоратга олса, ёмон бўлмасди.

Бекзод РАХИМОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети
5-босқич талабаси.

— O'zLiDePнинг «Интернетнинг ёшларга салбий таъсирини олдини олиш» лойиҳаси ҳамда Олий Мажлисадаги партия фракциясида ахборот хавфсизлигига оид қонун лойиҳалари устида иш олиб борилаётгани кўнақли ҳол, албатта. Сабаби, бўлажак халқаро ҳуқуқшунос сифатида жаҳоннинг етакчи давлатларида ахборот хавфсизлиги борасидаги вазиятни атрафлича ўрганимиз. Агар чуқурроқ таҳлил этсак, деярли барча интернет-кафе-лар ва компьютер ўйинларида мўлжалланган GAME-клублар ҳатто дарс пайтида ҳам ўқувчилар билан гавжумлигини кўрамиз. Бунинг устига, айрим интернет-кафе-лар айнан тунги соатларда ўз хизматини арзонлаштирмоқда. Қарабсизки, бола бечора компьютерга боғланиб, дарсдан ҳам, уйдан ҳам,

дўстлар билан стандарт муносабатлардан ҳам воз кечади.

Жаҳоннинг етакчи давлатлари, хусусан, АҚШ ва Канаданинг аксарият ҳудудларида дарслар пайтида, яъни соат эрталабки 8 дан кечки 16 гача 16 ёшга тўлмаган болаларнинг интернет-кафе-ларга кириши тақиқланган. Шунингдек, ёшларнинг порнографик ва бошқа шу каби сайтлардан фойдаланишига йўл қўйган интернет-кафе-ларга ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилади. Тўғри, Ўзбекистонда ҳам бу соҳани тартибга солиш учун ҳуқуқий асос яратилган. Аммо улар ижросини таъминлаш, бажарилиши устидан назоратни янада кучайтириш керак. Бу борада O'zLiDePнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари назоратни ўз зиммаларига олсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ботир ХОШИМОВ,
Тошкент автомобиль ва
йўллар институти 3-босқич
талабаси.

— Ёшларга интернетнинг салбий таъсирини англатиш, айрим зарарли сайтларнинг «очилмаётгани»ни изоҳлаш жараёнида ўзига ҳос ёндашувлар қўланилса, унинг таъсирчанлиги янада ортади, деб ўйлайман. Масалан, айрим ривожланган давлатларда мактаб ва олий ўқув юрларида интернетга кириш мутлақо бепул. Табиийки, ўқувчилар кўчадаги «жиловланмаган», аммо пулли интернетдан кўра, ўз кутубхонасидаги «филтрланган ва тоза» интернетни маъқул кўради. Эшитишимча, АҚШда барча аҳоли учун интернетдан фойдаланишни бепул қилиш устида иш олиб борилаётган экан. Шундай бир шароитда ривожланган давлатлар қаторига қўшилишга интилаётган бизнинг мамлакатда ҳам ўқувчи ва талабаларда интернетта «соғлом» муносабатни рағбатлантирувчи йўللари излаб топиш керак, назаримда. Шунчаки «кўрма, ема, ўқима» тарзида тақиқлаш акс таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Масаланинг ижобий ечимларини топишда O'zLiDeP ҳар доимгидек олдинги сафларда бўлади, деб ўйлайман.

ТАХРИРИЯТДАН:

Ёшлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ушбу масалага қанчалик жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эътиборини яна бир бор кўрсатмоқда. Ана шуларни эътиборга олиб, келгуси соҳамизда «Хавфсиз интернет» лойиҳасидан кўзда тутилган мақсад ва бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил маълумот берамиз.

Шухрат РАХИМОВ тайёрлади.

«Ёшлар қаноти»

Депутатларнинг ёшлар фаолиятига муносабати ўзгариши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI ASR»

Масалан, Термиз шаҳри ва Кумқўрғон туманида «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилинди. Ангор туманидаги «Гулистон» МФЙда эса касаначиликни ривожлантириш мавзусида давра суҳбати, «Умид-Ишонч» ўқув марказида БПТда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» масалалари атрафлича кўриб чиқилди.

Энг муҳими, бу тадбирлар маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳокимликлар қўшида ташкил этилган Тадбиркорликни рўйхатга олиш инспекцияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлис қуйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлар, Бандликка кўмаклашиш марказлари, «Камолот» ЁИХ, Савдо-саноат палатаси, ақлия бошқармаси, касабга уюшмалари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, солиқ бошқармаси ва тижорат банкларининг вакиллари иштирокида ўтказилапти.

Ёшларни тадбиркорликка қизиқтириш, уларга ўз бизнес-

сини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, жамоат ишларидаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказий банк ҳудудий бошқармаси, «Микрокредитбанк» Сурхондарё вилоят филиали, Термиз шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида Термиз давлат университети, касб-ҳунар коллежлари битирувчи талабалари ўртасида «Диплом билан — бизнес» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўқув-семинарлар ҳам йигит-қизларимизни хусусий тадбиркорликка жалб этишда муҳим роль ўйнади.

Умуман олганда, ўтган йили эришилган натижалар ёмон бўлмади. Биргина тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига 183934 млн. сўм кредит ажратилгани, унинг асосий қисми ёшларга берилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Эндиликда кўплаб ёшларимиз нафақат ўзлари ва яқинларини, балки тенгдошларини ҳам иш билан таъминлашга ҳисса қўшмоқдалар. Айни пайтда вилоят бўйича 5714 та фермер хўжалиги, 24871 та кичик тадбиркорлик субъекти, 3527 та кичик корхона ва 21344 та мик-

рофирмани бевосита ёшлар бошқаришапти.

— Аммо фаолиятимизда ечимини кутаётган муаммолар ҳам етарли, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими раҳбари М.Жўраева. — Ўтказилаётган тадбирларимиз кўпинча маърузабозликдан иборат бўлиб қолмоқда. Уларни қизиқарлироқ ташкил этиш учун баъзан маблаг, техника воситалари етишмаяпти. Шу боис кўпинча шаҳар ва туман марказларида тадбирлар ўтказиш билан чекланишга мажбур бўлаяпмиз. Чекка қишлоқлар, бориш қийин бўлган тоғолди ҳудудларидаги ёшлар орасида билимдон ва салоҳиятли йигит-қизлар кўплиги, биринчи гада айнан ана шу тенгдошларимизни қўллаб-қувватлашимиз лозимлигини турли тадбирларда кўп гапираяпмиз-у, аммо амалий ишга келганда сусткашликка йўл қўяпмиз.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш, чекка ҳудудларда яшовчи тенгдошларимизни сафларимизга кўпроқ жалб қилиш учун эса энг аввало маҳаллий кенгаш депутатлари, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз, қолаверса, шаҳар ва туман партия ташкилотлари раҳбарлари зиммаларидаги масъулиятни ҳис этиб, «Ёшлар қаноти»га бўлган муносабатларини ўзгартиришлари керак.

Миннамгорлик

Прокуратура ёрдамида тадбиркор ҳуқуқи тикланди

ҲАЁТ ТҶКИС ВА СИЛЛИҚ БЎЛМАГАНИДЕК, МУСТАҚИЛ ИШ ЮРИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАМ ФАҚАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРДАН ИБОРАТ ЭМАС. БУНГА ТОШКЕНТЛИК ТАДБИРКОР САИДИКРОМ АБДУАЗИМОВНИНГ БИР ХАТО ТУФАЙЛИ ИДОРАМА-ИДОРА ОВОРА БЎЛИБ ЮРГАНИ ҲАМ МИСОЛ БЎЛИШИ МУМКИН. ШУНЧА ВАҚТДАН БУЁН ТАДБИРКОР ҲАЛОВАТИНИ БУЗГАН ВОКЕА ЭСА ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛИЯТИДА УЧРАБ ТУРАДИГАН ОДИЙ БИР ҲОЛАТДАН БОШЛАНГАНДИ

А.ТЕМУРОВ

Ўшанда «Муҳаммад-Али-Савдо» хусусий корхонаси раҳбари С.Абдуазимов «Ташаббус-2003» танловида Ҳамза туманидаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар бўйича биринчи, шаҳар бўйича эса 4-ўринни эгаллаган, боз устига мазкур корхона шаҳар ҳокимлигининг «Энг яхши солиқ тўловчи» дипломинини олишга сазовор бўлган пайтлар эди. Лекин бундай натижалар ҳам тадбиркорни овора-гарчиликлардан асраб

қолдирмади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси биринчи уринбосарининг тадбиркор манфаати юзасидан киритган протести жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсати томонидан қондирилди.

— Ушбу муаммонинг ижобий ҳал этилишига давлатимиз раҳбарининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» муносабати билан қабул қилинган фармон ва қарорлари, қолаверса, мурожаатимга Бош прокуратура томонидан жиддий эътибор қаратилгани ва Тошкент шаҳар прокуратурасининг амалий саъй-ҳаракатлари асо-

сий омил бўлди, — дейди тадбиркор. — Бунинг учун хусусий мулк эгаларининг қонуний ҳуқуқларини таъминлашга бош-қош бўлаётган Бош прокуратурага ўз миннатдорлигимни билдираман.

Ҳа, кеч бўлса-да, ҳақиқат қарор топди. Қонун кучига ишонган тадбиркор энди фаолияти тўхтаб қолган корхонасини ишга тушириш ҳаракатида қирибди. Айбдорлардан моддий ва маънавий зарарларини ундириш ниятидадир. Одил судлов бу масалани ҳам атрафлича ўрганиб, тадбиркор ҳуқуқларини қонуний қўриб қолди, деган умид-да.

Хабарлар

МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИМИЗ ДУНЁНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Киев шаҳрида бўлиб ўтган «Пазандалик маҳорати» халқаро турнирида ўзбекистонлик ошпазлар мусобақанинг жами 10 та совринини кўлга киритдилар.

Oshxona.uz сайтида хабар қилинишича, қандолатчилик ва пазандалик йўналишлари бўйича талабалар иштирокида ўтказилган беллашувада ҳамюртларимизнинг икки нафари, хусусан, «Хамир таомлари» номинацияси ғолиби Илҳом Турғунов ҳамда «Товуқ гўшти таом» ва «Карвинг (сабзавот ва мевалардан шакл ясаш) санъати» номинацияларида ўзини кўрсатган Хусан Мирзаев олтин медалларга сазовор бўлдилар.

Бундан ташқари, Бобур Қаюмов, Мирумар Худойберганов, Файзуллоҳ Абдуллаев сингари ёш ошпазларимиз турнирнинг бронза медаллари ва «Гран-при» номинацияси совринларига эгаллик қилган бўлсалар, делегация раҳбари, Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси раиси А.Умаров ҳамда бош ошпаз А.Самовов иқтидорли калдрларини тайёрлаган мутахассис сифатида 1-даражали медаллар билан тақдирландилар.

ЯНГИ КОРХОНА ПОЙДЕВОРИ

23 март куни Қибрай туманида жойлашган Тошкент иссиқлик электр станцияси ҳудудида янги қуриладиган, қуввати 370 мегаваттга ташкил этилган бут-газ электр станцияси блокига пойдевор қўйилди.

Олам.uz сайтида маълум қилинишича, «Ўзбекэнерго» ДАК буюртмасига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур лойиҳага 468 миллион АҚШ доллари сарфланиши режалаштирилмоқда.

Маълумотларга кўра, қурилиш ишлари Словакиянинг SYNECTA a.s. Sala ва Ўзбекистоннинг SYNECTA Central Asia a.s. шўъба корхоналари томонидан амалга оширилади.

35 нафар партия аъзосини бирлаштириб турган Халқ банкининг Оқдарё туман филиали қошидаги БПТда «Банклар — тadbirkорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи» мавзuida очик мулоқот ташкил этилди. «Мустаҳкам оила йили»да тadbirkорликни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинган тadbирда кичик бизнес ҳамда хусусий тadbirkорликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

O'zLiDeP Асака туман кенгаши ва маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳи ташаббуси билан «Ижодкор» фирмаси қошидаги бошланғич партия ташкилотиди Юртбошимизнинг «2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди. Тadbирда қуйи бўғинларнинг юқори партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳар, «Тошкент электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ қошидаги БПТда «Сиёсий таълим» дарсларини ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди. Партия аъзоларининг сиёсий маданияти ва билимларини ошириш мақсадида ҳар ҳафта ўтказиб келинаётган ўқувларда сиёсатшунослик, жамоатчилик билан ишлаш, мафкуравий тарбия ва бошқа сиёсий мавзуларда маърузалар тингланмоқда.

Бошланғич партия ташкилотларида

Пайшанба | 2012 йил 29 март | 13 (437)-сон

WWW.21ASR.UZ
e-mail: axborot21asr@yahoo.com

Сафларимиз янада мустаҳкамланади

О'ZLIDER ШАЙХОНТОХУР ТУМАН КЕНГАШИ АЪЗОСИ АЗИЗА ҒУЛОМОВА ТАДБИРКОР СИФАТИДА ЯРАТИБ БЕРИЛГАН ИМКОНияТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ, ЎНЛАБ ЁШЛАРНИ ҲАМ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ЭТАЁТГАН ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИДАН

Абулфайз САЙИДАСКАРОВ,
«XXI ASR»

— Ҳар қандай эзгу ишни, аввало, атрофингдаги одамлар — яқинларинг ва касбдошларингдан бошлаш керак, — дейди «Азиза Сайфи қизи» хусусий корхонаси раҳбари Азиза Ғуломова. — Мен бунини ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман. О'zLiDeP мамлакат сиёсий майдониди пайдо бўлган кезларданок унинг дастурий ғояларига ишонган касбдошларимиз шу партияга аъзо бўла бошладилар. Корхонамизда меҳнат қилаётган 40 нафар ишчи-хизматчилар 20 нафари О'zLiDeP аъзоси экани ҳам фикримиз далилидир.

Таъкидлаш керакки, «Азиза Сайфи қизи» корхонаси мустақиллигимиз тенгдоши ҳисобланади. Тadbirkорликка йўл очилган илк давлариданок хайрли ишларни амалга ошириб, ўз макенини мустаҳкамлай олди. Бу борада изланиш ва ташаббускорлик жуда қўл келтирди. Зеро, Азиза Ғуломова 2003 йилда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташкил этилганида биринчилар қатори унга аъзо бўлди, маслакдошлар сафини кенгайтириш, либерал ғояларни омма онига етказишга астойдил бел боғлади. Ҳаракатда — баракат, деганларидек, бугун аксарият шайхонтоҳурликлар ушбу партияга хайрихоҳ кишилардир.

Азиза Ғуломова ўтган давр мобайнида тижорат банкларида олинган имтиёзли кредитлар ҳисобида хо-

риждан янги ускуна ва жиҳозлар келтирди, маҳсулот турларини кўпайтиришга, сифатини яхшилашга эришди. Фақат шугина эмас. Франция ва Швейцарияда ўтказилган савдо кўргазмаларида корхонада тайёрланган замонавий кийим-кечаклар билан қатнашиб, ўзбекистонлик тadbirkорлар салоҳиятини намойиш этди. Ҳозирда унга қарашли совға ва осори-атиқалар дўкони, маиший сервис ҳамда савдо нуқталари мунтазам ишлаб турибди. Хизмат турлари кўпайиб, сифати яхшиланаёпти. Ўтган йилнинг ўзиди 5 та янги иш ўрни ташкил этилди. Айни кунда саккиз нафар хотин-қиз уйда касаначилик билан шуғулланмоқда.

— О'zLiDePнинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш биздан қатъийат сиёсий фаолликни талаб этади, — дейди Азиза Ғуломова. — Бошланғич партия ташкилотининг ҳар бир йиғилишига жиддий тайёргарлик кўрамиз. Фаолларимиз яхши ташаббуслар билан чиқиб, партиявий топшириқларни бажаришда кўпчиликка ўрнак бўлишмоқда. Бу, албатта, қувонарли ҳолдир. Яқинда ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказдик. Унда БПТнинг ўтган йилдаги фаолияти қониқарли топилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди. Таъкидлаш жоизки, фаолларимиз сиёсий жараёндарга асло бефарқ эмас. Улар ҳар бир масалага алоҳида масъулият билан ёндашишга одатланишган. Жумладан, навбатдаги йиғилишимизда Юртбошимизнинг «2012 йил — Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли маърузасини атрофлича



ўрганиб, шу асосда тегишли чора-тadbирлар режасини ишлаб чиқдик. Улар ижроси қатъий назоратта олинди.

БПТ аъзоларидан Гулнора Толибжонова, Малика Акромова, Вазира Темирова, Маҳфуза Исмоилова, Ханифа Акромова, Дилфуза Қосимова, Дилдора Хўжаева сингари сафдошларимиз ўз бурчларига масъу-

лият билан ёндашиб, омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришмоқда. Ўйлайманки, келажакда сафларимиз янада кенгайди. Бундай дейишга тўла асос бор. Зеро, партиямиз маъмурилик бунёдкорлари бўлган мулкдорлар манфаати, хоҳиш-истакларини ифодалайди. Жамият тараққиёти ва келажакки эса кўп жиҳатдан уларга боғлиқдир.

«Аёллар қаноти»

ЭСТАФЕТАНИ
ЕТАКЧИЛАР
ДАВОМ
ЭТТИРИШАДИ

О'zLiDeP Балиқчи туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак!» шiori остида мусобақа ташкил этилди. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган мазкур беллашууда 20 та хонадон аъзолари иштирок этишди. Мусобақанинг якуний босқичида эстафета таъқиси рамзий маънода «Аёллар қаноти» қошида ташкил этилган «Лидер қизлар клуби» аъзоларига топширилди. Апрель ойининг сўнги ҳафтаида ўтказилиши режалаштирилган навбатдаги мусобақа энди О'zLiDeP «Лидер қизлар клуби» аъзолари томонидан ташкиллаштирилади.

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛСИН!

«Аёллар қаноти»нинг «Фермерлик тараққиёти — фаровонлик гарови» мавзига бағишланган навбатдаги тарғибот тadbiri Пахтачи туманида бўлиб ўтди. Соҳадаги ўзгаришлар, эришилган ютуқ ва камчиликларга бағишланган юзма-юз мулоқотда чекка қишлоқларда учраётган муаммолар юзасидан мониторинг ўтказиш орқали улар ечимини топиш, бу муҳим вазифага фермерларни кенг жалб этиш масаласи муҳокама қилинди.

Наргиза
КАХХОРОВА
тайёрлади.

Масъулият



Интизом — натижалар асоси

О'ZLIDER САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ЕТАРЛИ ТАЖРИБАГА ЭГА БЎЛГАН КЕНГАШЛАРДАН, ДЕСАК МУБОЛАҒА ҚИЛМАГАН БЎЛАМИЗ

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Зеро, айни пайтда вилоятдаги 758 та БПТ мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини аҳолига етказиш, электроратни ўйлантираётган ҳаётини масалаларни далил олиб чиқиш ва партиявий кўрсатмаларни бажаришда бошқа ҳудудларга ҳам ўрнак бўлмоқда. «Самарқандтрансмаркази» қошида ташкил этилган бошланғич ташкилотни ҳам иккиланмай ана шундай ташкилотлар қаторида тилга олиш мумкин. 300 нафар аъзони бирлаштирган ушбу БПТ ўтган давр мобайнида илгор фикрловчи, интилувчан ва ташаббускор ёшлар эвазига ўз сафини кенгайтира олди.

— Корхонамизда ташкил этилаётган турли учрашувлар, давра суҳбатларига ҳам асосан сафдошларимиз бошчилик қилишади, — дейди «Самарқанд автойўловчилар» шўъба корхонаси автосаф бошлиғи, БПТ раҳбари Бахтиёр Шодмонқулов. — Бундай тadbирлар натижаси ўлароқ корхонамиз ишчи-хизматчиларининг ҳуқуқий билими, сиёсий онги янада юксалиб, давлат ва жамият қурилишида фаол фуқаролик позициясини намойиш этишмоқда. Муҳими, маслакдошларимиз халққа сифатли ва қўлай транспорт хизмати кўрсатишга масъулият билан ёндашмоқдалар. Яна бир жиҳат — партияга аъзо бўлишни истовчилар сони йил сайин ортиб бораёпти. Жумладан, яқинда

ўндан зиёд ишчи-хизматчилар партияга аъзолик гувоҳномалари топирилди.

Мазкур БПТ партиявий фаолиятда ўз ишига масъулият билан ёндашиб, О'zLiDeP мақсад ва ғояларини жамоа орасида янада кенроқ тарғиб этиш, партияга янги аъзоларни жалб қилиш борасида тизимли ишларни йўлга қўйгани билан шаҳар партия фаоллари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай муносабатга халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи билан БПТ ўртасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани сабаб бўлаяпти. Бошланғич ташкилотда депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда ўтказилаётган йиғилишларда назорат-таҳлил фаолияти тарзида тегишли ташкилот ва тузилма раҳбарларининг ҳисоботлари ҳам эшитилмоқда. Хусусан, яқинда БПТнинг навбатдаги йиғилишида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тadbirkорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси раҳбарининг ҳисоботи тингланиб, тadbirkорлар учун яратилаётган имтиёزلардан фойдаланиш, «Ягона ойна» тамойилининг аҳамиятини партия электорати вакиллари кенроқ тушунтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бир сўз билан айтганда, йил бошидаёқ белгиланган режа асосида фаолият олиб бораётган «Самарқандтранс маркази» қошидаги БПТнинг бугунги муваффақиятлари мустаҳкам асосга эга. О'zLiDeP вилоят кенгаши эса жойлардаги ислохотлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда шу каби фаол бошланғич ташкилотлар маддагига таянмоқда.

Tagbir

Деновда ишлар самараси сарҳисоб қилинди

ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН АМИР ТЕМУР НОМЛИ «СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ» УЮШМАСИДА «ФЕРМЕРЛИК: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР, ЁНДАШУВЛАР, МАВЖУД МУАММО ВА ЕЧИМЛАР» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўз мухбиримиз

Туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходимлари, депутатлар ва партия фаоллари қатнашган тadbирда филиал фаолияти билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Жумладан, «Лочин» фермер хўжалиғи раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Нарзуллаев давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликлари томонидан шартнома шартларининг бажарилиши хусусида фикр билдирди. Унинг таъкидлашича, туманда ғалла ва пахта етиштиришга ихтисослашган 312 та фермер хўжалиғи бўлиб, улардан 289 таси 2011 йил якуни бўйича давлатга дон сотиш,

300 та фермер хўжалиғи эса пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режаларини ортиғи билан бажарган. 23 нафар фермер давлатга дон сотиш, 12 нафари эса пахта тайёрлаш шартномавий режаларини удалай олмаган. 2012 йилда бу ҳол қайта такрорланмаслиги учун экин парвариши билан боғлиқ барча агротехник тadbирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши лозим.

Йиғилишда фермерлар фаолиятини такомиллаштириш, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар — консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта ва бошқа институтлар фаолиятини янада ривожлантириш имкониятлари, бу борада О'zLiDeP билан ҳамкорликнинг аҳамияти хусусида ўзаро фикр алмашилди.

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетаси

2012 йил 7 ойига

БПТлар учун имтиёзли

ОБУНА

уюштирилаётганини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

Молиявий ҳамкорлик ютуқларга замин бўлмоқда




«АГРОБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН 2012 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА 582 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА 4,6 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИЛИБ, ШУ ҲИСОБДАН 651 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Носир ТОШЕВ,
«XXI ASR»

Маълумки, кейинги йилларда молия бозорини ривожлантириш ва банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Айни кунда иш билан банд аҳолининг асосий қисми нодавлат секторда меҳнат қилаётганлиги ҳам Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидандир.

Таъкидлаш жоиз: кичик бизнес субъектлари учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишда банкларнинг молиявий ёрдами катта бўлмоқда. Зеро, ҳар бир янги кичик бизнес субъекти бу қўшимча иш ўрни ва барқарор даромад манбаи, деганидир. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб, «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкининг Тошкент вилояти филиаллари томонидан ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсад жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектлари, сервис соҳасида хизмат кўрсатадиган корхоналар, ёш оилалар, фермерлар ҳамда коллеж битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлашдир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 582 та тадбиркорлик субъектига 4,6 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Шу ҳисобдан 651 та янги иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, виллоятда хизмат сифати ва маданиятини ошириш, аҳолининг бўш пул



маблағларини банк депозитларига жалб этиш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Бу эса ўзaro манфаатли ҳамкорлик тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига озик-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда яқиндан ёрдам кўрсатиш, хизматлар ва сервис соҳасини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали улар ўртасида бандлик даражасини ошириш ҳам кун тартибидagi асосий вазифалардан биридир. Банк филиаллари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ана шу мақсадлар учун 1,5 млрд. сўм миқдорида микрокредит йўналтирилди.

Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, улар учун жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини

оширишда муҳим аҳамият касб этаётди. Бу борада «Агробанк» жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва нарх-навони пақайитириш учун аниқ дастурий режа асосида кичик бизнес субъектларига 2,3 млрд. сўм кредит ажратилди. Бу эса жойларда ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш имконини бераётди.

Айни кунда қўлай тўлов воситаси ҳисобланган пластик картчка тизими тобора омалашмоқда. Пулли хизмат кўрсатувчи корхоналар, жумладан, умумий овқатланиш тармоқлари, ёнилғи қўйиш шохобчалари ва бошқа жойларда банкнинг савдо терминаллари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида-

ги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (2010 йил 28 июль) талабларидан келиб чиқиб, пул-кредит муносабатлари янада такомиллаштирилмоқда. Йил бошидан бери банк филиаллари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишларига қўмаклашиш ва шу орқали уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида банк сармоялари йўналтирилмоқда.

Умуман, иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланган банк тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар Ватанимиз куч-қудратини оширишга, аҳолининг ҳаётий талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Бу борада «Агробанк» жамоаси ҳам бор куч-гайратини аямаётди. Жорий йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига 27,3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратиш қўзда тутиляпти.



Мақсад — мижозлар сафини янада кенгайтириш

2011 ЙИЛДА «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА 17 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ёш оилаларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш учун эса 24,7 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Уй-жой харид қилиш ниятида бўлган 222 та ёш оилага 9,2 млрд. сўм ипотека, маиший техника, мебель тўплами ва бошқа истеъмол эҳтиёжлари учун 991 та оилага 5,1 млрд. сўм истеъмол ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланишни режалаштирган 418 та ёш оилага 9,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, ўтган йил давомида олий ўқув юрларида тўлов-шартнома асосида тахсил олаётган 700 дан зиёд талабаларга 1335,9 млн. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилди.

Мижозларга аниқ ва тез-

кор хизмат кўрсатиш молия бозорига муҳим ўрин тутди. Банк жамоаси бунга тўла ҳис этиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга интиломоқда. Натижа ёмон эмас. Жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида жисмоний шахсларга 2272,0 млн. сўмдан ортиқ кредит ажратилганлиги фикримиз тасдиғидир.

Маълумки, 2012 йил юртимизда «Мустақкам оила йили» деб эълон қилинган. Оилалар фаровонлигини ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тижорат банклари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Жорий йилнинг айни даврига қадар «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ёш оилалар эҳтиёжи учун 748 млн. сўм кредит ажратилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг муҳими, банк кредити эвазига бу йил 21 та ёш оила уйли бўлди. Уларга 982,8 млн. сўм ипотека кредитлари берилди. Ҳар бир хонадонни мебель ва маиший техника воситаларисиз тасав-



вур этиб бўлмайди, албатта. Ана шу мақсадлар учун 47 та ёш оилага 190,7 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредити ажратилди. Банкнинг 296,0 млн. сўмлик микрокредитини олган ўн та оила эса ўз бизнесини йўлга қўймоқда.

Айни кунда истеъмол товарларининг асосий қисми юртимизда тайёрланаётганлиги кўпчиликка яхши маълум. Бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ўз вақтида молиявий қўллаб-

қувватланаётганлиги муҳим аҳамият касб этаётди. «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Жорий йилнинг айни давригача 158,0 млн. сўм миқдоридаги истеъмол кредити ушбу мақсадлар учун йўналтирилди. Зеро, банк жамоасининг эзгу мақсади мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшиш ва мижозлар сафини янада кенгайтиришдир.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИ МОБАЙНИДА 582 ТА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТИГА 4,6 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИЛДИ. ШУ ҲИСОБДАН 651 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ.

Масъулиятсизлик

БУНГА О'ZLiDeP ВИЛОЯТ КЕНГАШИ БИЛАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ ЎРТАСИДАГИ БОШ БИТИМ ТАЛАБЛАРИГА ЕТАРЛИЧА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМАЁТГАНИ САБАБ БЎЛМОҚДА

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI ASR»

Бугун Қашқадарё виллоятда 7139 та фермер хўжалиги бўлиб, шундан 5287 таси пахтачилик ва галлачилик, 421 таси чорвачилик, 1431 таси мевасабзавотчилик билан шуғулланмоқда.

Эл-юрт дастурхони маъмуриятини таъминлашда уларнинг ҳиссаси катта бўлаётди, албатта. Хусусан, мевасабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида янги бог-роғлар, узумзорлар ташкил этиш ҳамда дарахларни яшатиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Шу туфайли узумзорлардан ҳар йили 30 минг тоннага яқин ҳосил олинмоқда. Сабзавот, полиз, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салмоғи ҳам чакки эмас. Ўтган йили туманлардаги иккитадан фермер хўжалигида паррандачилик йўлга қўйилди. Натижада бозорларда пархез гўшт, тухум сезиларли даражада қўпайиб, нархи арзонлашди. Балиқчилик, қўнчилик ҳам босқичма-босқич ривожлантирилмоқда. Жорий йилда 38 та лойиҳа асосида 163,5 минг бош товуқ боқибга мўлжалланган фермер хўжаликлари ташкил этиш қўзда тутилган. 1 июлда қадар эса туман марказларида фермер, деҳқон ва шахсий хўжалик эгалари учун кўчат, сабзавот-полизуруғи, қимёвий воситалар сотишга ихтисослашган «Деҳқон» дўконлари ишта туширилди.

Шу йил февраль ойида виллоят ҳокимининг фармойишига асосан фермер хўжаликлари раҳбарларининг иқтисодий ҳуқуқий тушунчаларини бойитиш, пахта агротехникаси, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, чорвачилик, галлачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликка ихтисослашган хўжаликларда иш юритиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилганлиги айни мuddао бўлди. Уларда ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитига мос пахта ва галла навларини танлаш, интенсив боглар барпо этиш, шунингдек, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш ва бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр юри-

тиди.

— О'ZLiDeP виллоят кенгаши ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси виллоят филиалининг 2012 йилга мўлжалланган ҳаракат Дастурига асосан «Сиёсий таълим маркази» билан ҳамкорликда фермерларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ғоявий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратаймиз, — дейди уюшма виллоят филиали раиси Баҳодир Шокиров. — Қишлоқ жойларда саноатни жадал ривожлантириш, замонавий техника ва

ришга қатъий киришилди. Ҳадемай минитехнологиялар харид қилиш учун бир гуруҳ фермерлар ХХРга йўл олишди.

Аммо Қашқадарё виллоятда ана шундай салмоқли натижаларга эришилаётган бир пайтда О'ZLiDeP виллоят кенгашининг соҳага юзаки эътибор қаратаётганини тушуниш қийин. Хусусан, соҳа мутахассислари виллоят фермер хўжаликларида хизмат кўрсатаётган инфратузилмалар фаолияти яхшиланса, етиштирилаётган

АГАР 2012 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИНИ

ТАҲЛИЛ ЭТСАК, О'ZLiDeP ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ФЕРМЕРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ БИРОРТА ҲАМ ЎҚУВ ТАШКИЛ ЭТИЛМАГАНИНИ КЎРАМИЗ.

технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Янги техника ва технологияларга оид маълумотларни тўплаш, уларни фермерлар ўртасида кенг тарғиб қилишда филиалимиз ҳузуридаги «Ахборот маркази» жуда қўл келяпти.

Ўтган йили фермерлар томонидан тушган 200 дан ортиқ шикоят ва аризалар ўрганилиб, уларнинг асосий қисми ижобий ҳал қилинди. О'ZLiDeP виллоят кенгаши қошидаги «Тадбиркорлар ва фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази» кўмаги билан эса қишлоқ мулкдорлари таъриба алмашиш учун ривожланган мамлакатларга юборилмоқда. Бундан қўзланган мақсад улар маънасини ошириш, фаолиятини кенгайтиришга қўмаклашишдир.

«Мустақкам оила йили»да фермер хўжаликларини кредит ҳамда лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникалари, ихчам ускуналар, замонавий технологиялар билан таъминлаш, шу орқали қўшимча иш ўринлари яратиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган. «Ўзқишлоқмашлизинг» компанияси виллоят филиали саноат-ҳаракати билан ҳозиргача лизинг асосида ўрим тракторлари, замонавий экин техникалари, дори пулкагичлар, культиваторлар келтирилди.

Айни пайтда виллоятда 15 дан ортиқ фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланмоқда. Лекин бу Қашқадарёдек юксак салоҳиятга эга бўлган виллоят учун кам, албатта. Шу боис қайта ишловчи кичик корхоналар сонини қўпайти-

маҳсулот ҳажми янада қўпайиб, фермер хўжаликларининг иқтисодий самардорлиги ошишини таъкидлашди. Шунингдек, ҳудудда мевани қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхоналар сонини қўпайтириш мумкин. Чунки виллоятда жуда катта миқдорда мева етиштирилмоқда.

Бу жараён эса фермерларга етарлича ахборот етказиш, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимларини ошириш билан чамбарчас боелиқдир. Ҳўш, бу борада О'ZLiDeP виллоят кенгаши билан уюшма ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасиданми? Агар 2012 йилнинг ўтган даврини таҳлил этсак, О'ZLiDeP Қашқадарё виллоят кенгаши ва Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси виллоят филиали билан ҳамкорликда фермерларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишга хизмат қилувчи бирорта ҳам талбир ташкил этилмаганини кўрашимиз. Агар ҳамкорлик фақат қоғозларда эмас, аксинча, амалда ташкил этилганда қишлоқларда саноатни янада ривожлантириш, мевасабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлашга амалий ёрдам кўрсатилган бўларди.

Энг ёмони эса партиянинг туман кенгашлари билан уюшманинг туманлардаги фермерларга хизмат кўрсатиш марказлари ўртасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан, энг аввало, виллоят кенгаши мутахассислари, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз жиддий ҳулосалар чиқаришлари лозим, албатта.

ЧЕКТИРУВЧИЛАР СИРИ ОЧИЛДИ

Қонуларни бузиб бўлса-да, бойлик орттирмаган, деганлар алашимасди. Бунга божхона хизмати фаолиятидан қўллаб-қувватлаш мумкин. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида божхоначиларини жалб этишга уринишга оид 160 та ҳолат аниқланди. Улардан 118 млн. сўмликка яқин тамаки маҳсулотлари мусодара қилинди.

Хусусан, Хоразм виллоят божхоначилари томонидан республикамиз ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган юк поезди қўздан кечирилганда вагонлар остига яширилган 2,1 млн. миқдордаги 1400 қутти «Pall Mall» сигаретаси топилди.

Учқўрғон туманининг қўшни республика билан туташтирувчи айланма йўлида қўлга олинган «қўён»лардан 7 млн. сўмлик «Classic» сигаретаси мусодара қилинди.

Худди шу усул билан бойлик орттирмаган бўлган марҳаматлик Ё.Турсунов ҳамда фарғоналик О.Турсунов эса ҳам 11 130 қутти сигаретани божхоначиларга қўш қўлда топиришга мажбур бўлиди.

Республикамиз ҳудудидан транзит тарзида ўтаётган юк поезди вагон кузатувчилари Г.Г.Горги ва М.Александр кўймати 19,2 млн. сўмлик тамаки маҳсулотларини олиб ўтаётганларида уларнинг ҳуфиёна «тадбиркор»лигига нуқта қўйилди.

Абдуллаева Навола Абдуманноповнага 1997 йилда берилган 11-синфини тугатганлиги тўғрисидаги ОР-Г №009974 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни
Наврўзи олам билан табриклаб,
уларга баҳорий кайфият ва
байрам шукуҳи ҳамиша ҳамроҳ
бўлишини тилайди.*

*Шу муаззам кунларда барча
тилакларингиз ижобат бўлсин!*



Чегарачиларга янги уйлар

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗГА ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛГАНИДАН БУЁН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР, УЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМДА МОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Жамшид НИЁЗОВ

Истиқлол йилларида давлатимиз томонидан ҳарбийлар учун шаҳарчалар қуриш ва реконструкция қилиш, уларда энг замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қўлайликларни яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ҳаётини, яшаш шароитларини яхшилаш масаласига миллий армиямиз муҳофаза қудратини оширишдаги муҳим омиллардан бири сифатида эътибор қаратилаётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Соҳага қўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ, бугун юртимизнинг барча ҳудудларида қўллаб-қамраб турар-жой бинолари бунёд этилмоқда. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари замон талабларига тўла жавоб берадиган, барча қўлайликларга эга шинам хонадонларда истиқомат қилишмоқда. Яқинда бир гуруҳ чегарачиларга ҳам ана шундай янги уй-жойларнинг қалитлари топширилди. Ушбу маросимда Чегара қўшинлари қўмондони ўринбосари Ш.Назиров, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Р.Шералиев, «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммадҷонова иштирок этиб, ҳарбий хизматчиларни қувончли воқеа билан қутладилар.

— «Мустақкам оила йили»да янги уйга эга бўлишимизда катта рағбат маъно бор, — дейди Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари



ҳарбий хизматчиси, капитан Бахтиёр Туробов. — Бу мамлакатимизда ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъ-

минлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганининг белгисидир. Ватан ҳимояси йўлидаги камтарона хизматларимиз юксак баҳоланиб, оиламизга янги уй-жой берилганидан жуда

хурсандимиз. Бундай ғамхўрлик бизни юрт тинчлиги, сарҳадларимиз ҳимоясини таъминлаш йўлида янада масъулият билан хизмат қилишга, зиммамиздаги муқаддас бурчини шараф билан адо этишга ундайди.

Янгилик

«МАТИЗ»НИНГ ЯНГИСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИМИ?

Ўзбекистонлик автомобилсозлар «Matiz»нинг имконияти чекланган фуқароларга мўлжалланган моделини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқдалар. Utro.ru сайтида хабар қилинишича, яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «Nexia» ва «Matiz» русумли автомобилларни сотиш билан шуғулланувчи 200 дан ортиқ дилерлик компанияларининг олтинчи конференциясида 2011 йилда Асака заводида ишлаб чиқарилган энгил машиналар Россия автомобиль бозорининг энг харидоригар автомобиллар ўнталигидан ўрин олгани қайд этилди. Ҳақиқатан ҳам, ўтган йили мазкур мамлакатта 2010 йилга нисбатан 25 фоиз кўп, яъни 93 минг донага яқин «Nexia» ва «Matiz» русумидаги автомобиллар экспорт қилинган. Конференцияда «GM Uzbekistan»нинг Санкт-Петербургдаги расмий дилери айни пайтда компания томонидан «Matiz»нинг имконияти чекланган одамларга мўлжалланган модификациясини ишлаб чиқариш режалаштирилаётганини маълум қилди. Қайд этилишича, тормоз ҳамда уловчи механизм, яъни сцепление ўрини босувчи қўл билан бошқариладиган мосламалар билан таъминланадиган янги автомобиль лойиҳаси дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтган.

Футбол

ЛОНДОН САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Жорий йилнинг ёзда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзи Олимпия ўйинларининг навбатдаги саралаш баҳсларида иштирок этаётган футболчиларимиз Вьетнамда ташкил этилган плей-офф турнирида Сурия терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлуб этди.

Жумладан, 67-дақиқада майдонга тушган Темуруҳжа Абдухаликов орадан 5-6 дақиқа ўтгач, биринчи гол муаллифи Кенжа Тураевага қўлай шароит яратиб берган бўлса, Иван Нагаев ўринга захирадан тушган Олег Зотеев ўйин туташига икки дақиқа қолганида галаба тўпини киритди. Ўйиндан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида футболчиларимизга миннатдорлик билдирган бош мураббий Уммонга қарши ўтказиладиган учрашува шогирдларига осон бўмаслигини таъкидлади.

— Йигитлар мураккаб вазиятдан чиқиб кетиш учун ўзларига куч ва матонат топа олганларидан хурсандман, — деди В.Абрамов. — Шундай бўлса-да, хотиржамликка берилишга ҳали эрта, деб ўйлайман. Бизни ҳали Уммонга қарши ўтказиладиган, барчамизга бундан ҳам катта масъулият ўқийдиган ўйин кутиб турибди. Сурияга қарши учрашувада шогирдларим жуда кўп хатога йўл қўйдилар. Шу босиб бутун эрта асосий эътиборни юқоридаги камчиликларни бартафариқ этишга қаратамиз.

Эълатиб ўтамиз: ана шу кичик турнир галиби Сенегал терма жамоасига қарши ўтказиладиган кўпчалоқроқ плей-офф ўйинида иштирок этиш имконини қўлга киритади. Учрашу 23 апрель кунин Лондон ақридаги Ковентри шаҳрида ўтказилиб, зафар қўчган терма жамоа Олимпияданинг сўнгги «чипта»сини қўлга киритади.

Уммонга қарши ўтказиладиган ўйин эса бутун — 29 март кунин Тошкент вақти билан 17:00 да бошланади.



ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

Қайси касбда бўлмасин, ўзининг ҳалол меҳнати билан ризқ-рўз топаётган кишиларни ҳеч бир иқтисодиётсиз баштилар қаторига қўйиш мумкин. Зеро, инсон қадри тобора улуғланаётган юрtdа ҳалоллик, поклик фазилати бежиз бош мезон саналмапти. Ўзбекистон телеерадиокомпанияси «Ахборот» Бош муҳаррирлиги сиёсий шарҳловчиси, иқтисодий журналист Наврўз Ризаев оиласини ҳам ана шундай оилалар қаторига қўйиш мумкин. Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар моҳиятини тарғиб этиш ва юрtdошларимизга етказишда оммавий ахборот воситалари орасида ТВнинг ўрни беқиёс. Наврўз Ризаев ана шундай улкан жамоада ҳалол меҳнати ва изланувчанлиги билан обрў топди. Элга танилди. Унинг миллий матбуот соҳасидаги хизматлари ҳам муносиб баҳоланиб, 2000 йилда «Шўхрат» медали билан тақдирланган. Ҳар бир инсонни оиладан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда Н.Ризаев турмуш ўртоғи Нодирхон билан тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказишмоқда. Ўғли Фирдавс Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси академик лицейи талабасидир. Топуналик, аҳиллик орасидан оила дастурхони ҳамisha тўкин ва файзиёб.

Бу қизуқ

ШВЕЦИЯЛИК ЎҒРИЛАР ЗАМОНГА МОСЛАШИШАПТИ

Швеция қороз пулдан воз кечган биринчи мамлакат сифатида тарихга кирса ажаб эмас. Эндикда ушбу мамлакатнинг барча ҳудудларида автобус чиптасига ҳам мобил сервислар орқали ҳақ тўлана бошланди. Банклар эса нақд пул операцияларидан буткул воз кечаяпти.

Умуман олганда, швед иқтисодиётида нақд пуллар муомаласи бор-йўғи 3 фоизни ташкил этади. АҚШда эса бу рақам 7, Европа Иттифоқида 9 фоизга тенг.

Маълумотларга қараганда, Швецияда нақд пул муомаласининг кескин қаматилариш банкларга ҳужум қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг пасайишига ҳам олиб келган. Агар 2008 йилда 100 дан ортиқ банк умарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 16 тага тушган. Бироқ ҳақерлик ҳужумлари ва интернет орқали солир бўлаётган жиноятчиликлар кескин ортди. Бундай жиноятлар 2000 йилда 3,3 мингтадан, ўтган йили эса 20 мингтадан ташкил этган. Ўғрилар тунда қўча кезиб эмас, балки иссиқ уйда интернет орқали ўз «мақсадлари»га эришмоқдалар.



Афанди қўлга тўр солиб балик тутайтган эди, бирдан шамал кўтарилиб, ёмғир ёғди. Афанди совуқдан қалтираб турга ўраниб олди ва унинг тешигидан бармоғини чиқариб: — Вой-ау, ташқари бунча совуқ! — дебди.

Ҳазил чекинишимиз совуқ об-ҳаво билан боғлиқ бўлса-да, ўлкамизда баҳор фаслининг илк ҳарорати ҳужум сурмоқда. Шу ҳафта охири ва кейинги ҳафта ўрталарида мамлакатимизда ўзгаришчан об-ҳаво кузатилиб, 30 март-1 апрелда вақти-вақти билан ёмғир ёғиши кутилмоқда. Гидрометеорология маркази хабарига қўра, 29 март-5 апрел кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи эса 18-23 даража илк бўлиши кутилмоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларида шамол гарбдан 7-12 м/с, тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 8-13, кундузи 22-27 даража илк бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 20-25 даража илк бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 10-15, кундузи 23-28 даража илк бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ҳаво ўзгаришчан бўлиб, ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 20-25 даража илк бўлади. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ҳам ҳаво ўзгаришчан бўлиб, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат кечаси 7-12, кундузи 20-25 даража илк бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларга туман тушади. Ёмғир, қор ёғади. Қор қўчиши ҳавфси бор. Ҳарорат кечаси 2 даража совуқ, 3 даража илк, кундузи 7-12 даража илк бўлиши кутилмоқда.

Реклама

КСИМЕЛИН®

Ксилометазолин

Равномерно орошает всю слизистую носа, обеспечивает дренаж носовых пазух и полости среднего уха

Значительно уменьшает риск развития осложнений

Эффект наступает сразу же после применения и длится до 8-10 часов

В отличие от сосудосуживающих короткого действия, не вызывает rebound-эффекта (синдрома отмены)

Точное дозирование исключает передозировку

В рекомендуемой дозе не вызывает сухости и жжения

NEW! Формула с борной кислотой

Показания к применению: Острые респираторные заболевания с явлениями ринита (насморка), острые аллергические риниты, полипы, синусит, евстахиит, средний отит (для уменьшения отека слизистой носополости). Подготовку больного к диностическим манипуляциям в носовых ходах.

Хранить в недоступном для детей месте. Беречь от огня.

Йодомарин®

Калия йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 100 - содержит калия йодид 131 мг (что соответствует 100 мкг йода). Йодомарин® 200 - содержит калия йодид 262 мг (что соответствует 200 мкг йода).

Показания: Профилактика йодной недостаточности, заболеваний щитовидной железы, заболеваний сердечно-сосудистой системы, заболеваний нервной системы, заболеваний органов зрения, заболеваний органов слуха, заболеваний органов дыхания, заболеваний органов пищеварения, заболеваний органов мочеполовой системы, заболеваний органов движения, заболеваний органов чувств, заболеваний органов кровообращения, заболеваний органов выделения, заболеваний органов репродуктивной системы, заболеваний органов опорно-двигательного аппарата, заболеваний органов дыхания, заболеваний органов пищеварения, заболеваний органов мочеполовой системы, заболеваний органов движения, заболеваний органов чувств, заболеваний органов кровообращения, заболеваний органов выделения, заболеваний органов репродуктивной системы, заболеваний органов опорно-двигательного аппарата.

Дозировка и применение: Взрослым и подросткам старше 12 лет - по 1 таблетке 1-2 раза в день, после еды. Детям 6-12 лет - по 1/2 таблетки 1-2 раза в день, после еды. Детям 3-6 лет - по 1/4 таблетки 1-2 раза в день, после еды. Детям 1-3 лет - по 1/8 таблетки 1-2 раза в день, после еды.

Противопоказания: При гипертиреозе, гипертириозе, при заболеваниях щитовидной железы, при заболеваниях сердца, при заболеваниях почек, при заболеваниях печени, при заболеваниях органов дыхания, при заболеваниях органов пищеварения, при заболеваниях органов мочеполовой системы, при заболеваниях органов движения, при заболеваниях органов чувств, при заболеваниях органов кровообращения, при заболеваниях органов выделения, при заболеваниях органов репродуктивной системы, при заболеваниях органов опорно-двигательного аппарата.

Берлин-Хемия Менарини